

**РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁДАГИ ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИНИНГ
МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ**
Султонова Махфуза Иброхимовна

Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6825131>

АННОТАЦИЯ: Мақолада Россия империясининг Ўрта Осиёга уюштирган ҳарбий юришларининг маҳаллий ва ҳорижлик муаррихлар яратган манбаларни ўрганиш, солиштириш ва таҳлил қилиш асосида тарихий жараёнга тўғри баҳо бериш. Манбалардан асосли ва тўғри фойдаланиш мустамлакачилик сиёсатини жорий қилиниши ва мустаҳкамланиш сабабларини ўрганиш мумкин.

Калит сўзлар: тарихий манбалар, лашкарбоши, империя, босиб олиш, маҳаллий манбалар ҳорижий манбалар, мустамлакачилик, буюк давлатлар, иқтисодий тараққиёт, калъа, маҳаллий аҳоли.

В статье дается точная оценка исторического процесса на основе изучения, сопоставления и анализа источников, созданных отечественными и зарубежными историками о военных походах Российской империи в Среднюю Азию. Разумное и правильное использование источников позволяет исследовать причины введения и закрепления колониальной политики.

Ключевые слова: исторические источники, военные, империя, оккупация, местные источники, иностранные источники, колониализм, великие державы, экономическое развитие, замок, местное население.

The article provides an accurate assessment of the historical process based on the study, comparison and analysis of sources created by local and foreign historians of the military campaigns of the Russian Empire to Central Asia. Reasonable and proper use of resources can explore the reasons for the introduction and consolidation of colonial policies.

Keywords: historical sources, military, empire, occupation, local sources foreign sources, colonialism, great powers, economic development, castle, local population

Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатининг тиги XIX асрда Ўрта Осиёга қаратилди. XIX асрнинг 50 йилларидан Россияниг иқтисодий тараққиёти, ҳомашёга бўлган эҳтиёж, дунё миқёсида буюк давлатлар дунёни "бўлиб олинаётгани" Ўрта Осиёга юришини тезлаштирди. Бу даврда ҳудудда учта мустақил давлат: Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлиги мавжуд бўлиб, сиёсий инқироз гирдобиди бўлиб, сулолавий низолар, аҳолининг ижтимоий ҳолати оғирлиги сиёсий барқарорликка раҳна соларди. Ўрта Осиё тарихини ўрганишда ўлканинг Россия империяси томонидан босиб олиниши даврига доир манбалар маҳаллий ва ҳориж муаррихларига тегишлидир. Маҳаллий тарихчилар Муҳаммад Солихнинг "Тарихи жадидаи Тошканд", Мулла олим Маҳдумхожининг "Тарихи Туркистон" асарлари XIX асрнинг иккинчи ярмидаги хонликлардаги мураккаб сиёсий жараён, Россия босқини ва унинг оқибатлари кенг ёритилган бўлиб, маълумотларга бойлиги билан аҳамиятлидир.

Муҳаммад Солихнинг "Тарихи жадидаи Тошканд" асарида воқеалар кетма кетлик асосида ёритилган бўлиб, русларнинг Қўқон хонлигининг шимолий қалъаларига ҳужумлари, Тошкентга бўлган ҳужуми ва унинг босиб олиниши, маҳаллий давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий ҳолати кенг ёритилган.

Россия империясининг Қўқон хонлигига илк юришлари асарда 1267/1850-1851 йил воқеаларида келтирилади. Манбага кўра, Чу дарёси бўйидаги Марки калъасида бўлган рус аскарлари, Тошкент ҳокими Нормуҳаммад қўшбеги закотчилари билан маҳаллий аҳоли ўртасида рўй берган келишмовчиликда маҳаллий аҳолиги ёрдам бериш баҳонасида можарога аралашини икки ўртада қуролли тўқнашувга сабаб бўлган. Асарда Оқмасжид калъасига империя қўшининг юриши сабаблари, жанг тафсилотлари Маллахон ва Худоёрхон ўртасидаги зиддиятлар кенг ёритилган. Оқмасжидга ҳужум сабабини Муҳаммад Солих, Нормуҳаммад қўшбеги Оқмасжидга ҳоким қилиб тайинлаган Сайид қассоб ўғли Пшкандий ўша атрофда яшайдиган барлос, аргин уруғлари мулкини талон тарож қилинганлиги билан боғлайди. Бу жамоалар Самара ва Оренбургдаги рус маъмурларидан молларини қайтариб олишда ёрдам беришини сўрайди. Бундан фойдаланган рус маъмурлари чегарада қўшин тўплади, Оқмасжидга ҳужум янги ҳоким



Абдували даврига тўғри келди. У навкарлари ва аҳоли билан қаттиқ муносабатга киришган. Бироқ рус аскарлари 40 кунлик қамалдан сўнг қалъа деворларига яқинлашиб, икки минорани портлатиб вайрон қилган, лекин қалъа забт этилмаган. Русларнинг қалъани забт этишдаги кўплаб машақат чеккани, қирғиз, бошқирд, казак халқларининг Қўқон хонлигига қаршилигини қўллаб қуватлаганини, рус тарихчиси Терентеев асаридан билиш мумкин. Перовский хотирлашича, қирғизлар Оқмачит забт этилгач, руслар бутунлай кетишади ва биздан Қўқон хони аёвсиз ўч олади деб ўйлашганини сездим ва Оқмачит қалъаси атрофига, биров яшамасада бараклар курдиришни бошладим ва биз ойга, йилга ё бир асрга келганимиз йўқ, балки умрбод колгани келдик дея, қирғиз халқига мурожат қилганимдан сўнг, улар нафақат бизни чорва билан таъминлаб турди, балки 150 қирғиз магазин ва госпитал учун бараклар куришга ишга киришди.[3,242] Катта қийинчиликлар билан, 1853 йил 28 июлда иккинчи бор ҳужум қилиниб, Оқмасжид қайта қамал қилинди ва босиб олинди. Перовский Булгаковга қуйидаги мавзуда хат ёзади: Оқмасжид олинади, газетада ёзиладиган жўшқин ютуқлар билан эмас, аскарларнинг қонини кам тўкилишини таъминлаш орқали. [3,243] Шунингдек, асарда Қўқон хонлиги кучларининг Тошкент ҳокимлари бошчилигида Оқмасжидни қайтариб олишга қаратилган юришлари ҳам ёритилган: 1853 йили Сабдалхўжа мингбоши ва 1854 йили Сўфибек Давронбек баҳодирбоши ўғлининг юришлари бўлиб, Тошкент ҳокими қўл остидаги қўшин қатнашганлигини кўриш мумкин. Юқоридаги фикрлар Муҳаммад Солихнинг "Тарихи Туркистон" асарида ҳам ёритилган, Оқмасжиддаги мағлубият Қўқон хонлигининг қаттақ ташвишлантирди. Тезлик билан Тошкентда куч тўпланиб, Тошкент ҳокими Сабдалхўжа бошчилигида 8 минг аскарлик, қўшин ва кўнгиллилар, Оқ мачитни қайтариб олиш учун жанг қилиб, мағлубиятга учраб, 192 киши ҳалок бўлди, 92 туяга ярадорларни ортиб, қайтишга мажбур бўлдилар [5, 16] . Лекин, Худоёрхон уларни сусткашлиқда айблаб, Шодмонхўжани Қўқонга чақириб олиб, мағлубияти учун туяга тескари миндириб шарманда қилдирган, Сўфибекни эса ҳокимликдан туширган. Муҳаммад Солиххўжа 1858 йилда тахтни эгаллаган Маллахоннинг хонликнинг ҳарбий салоҳиятини тиклашга ва ўз навбатида истилочилар қўлига ўтган қалъа ва қўрғонларни қайтариб олишга қаратилган ўринишларини тилга олиб, Маллахон буйруғи билан ўзунлиги 15 қарич,

кенглиги 7 қарич бўлган замбараклар қуйилганини эслаб ўтган. Шундан сўнг Маллахон 1860 йил август-сентябр ойи бошларида Шундан сўнг Маллахон 1860 йил август-сентябр ойи бошларида полковник Симмерманнинг Тўқмоқ ва Пишпак қалъаларини эгаллашига жавобан сентябр ойида Қаноат оталиқ Тошкентга ҳоким этиб тайинлаб, истилочи лар эгаллаб турган Аштак ва Ашфара қалъаларига юриш қилиш ҳақида бўйруқ беради. Қаноат оталиқ Лашкар бегларбеги давридан қолган Тошкент қўшинини қайта қуроллантириб, Чимкент йўли билан юришга чиққан. Лекин, Аштакдаги жангда қўқон кучлари сардори Олимбек додхоқ Қаноат оталиққа бўлган шахсий адовати туфайли, жангга кирмай, қўшини билан орқага чекинган. Бу ҳақида мазкур жангда қатнашган муаррих Ниёз Муҳаммад Хуқандий ҳам таъкидлаб ўтган. Маллахондан янги бўйруқ олган Қаноат оталиқ Туркистон ва Янги қўрғон оралигидаги қалъа ва қўрғонларни эгаллаб турган истилочиларга қарши ўз қўшинини тайёрлаб, Чимкент, Туркистон орқали Сирдарё соҳилидаги Янгиқўрғон қалъасига келган. Чўлоқ яқинидаги қисқа тўқнашувдан сўнг тошкентликлар Янги қўрғон қалъасини таъмирлашга киришган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, таъмирланган қалъанинг тўрт буржигга тўрт минора қурилиб, алоҳида бошлиқлар тайинланган.

Худди шу пайтда Маллахоннинг фитнада ўлдирилиши ҳамда тахтга чиқарилган Шоҳмурод ибн Салимсоқхон ва Алимқўли минг боши (кейинчалик амирлашкар) ҳамда Худоёрхон ўртасидаги зиддиятлар хонлик ҳарбий кучини янада заифлаштириб, истилочиларнинг Сирдарё бўйларини босиб олишини осонлаштирди. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, 1863 йилда Султон Сайидхонни тахтга чиқариб, ҳокимиятни ўз қўлига олган Алимқули амирлашкар Нормуҳаммад найзабардор Зодиёнийни (кейинроқ қўшбеги) Тошкентга, Мирза Давлат додхоқ Қоратегинийни Туркистонга, Ниёзали понсадбоши Шаҳрисабзийни Авлиёотага, шунингдек Пишпак, Тўқмоқ қалъаларига ҳам ўз одамларидан тайинлаб, истилочиларга қарши кўрашга тайёргарлик учун Қўқонга қайтган. Ушбу воқеалар Тарихи Туркистон асарида ҳам келтирилган: Ўшал вақтда қипчоқларнинг бошлуғи Мулло Олимқули қирғиз эди. Шоҳмуродхон борган замон онинг ёшлик ва бегуноҳ шўхлигига раҳму шафқат қилмай



ўлдуруб, Маллахоннинг ўғли Сайқдхонни хон кўтариб, Хўқанд тарафига азимат қилиб, икки кун миёнасида Хўқандга дохил бўлуб, Мулло Олим/Алиқулини қайтадин амири лашкар қилиб, тамоми Фаргона мамлакатининг инон-ихтиёри онинг дасти тасарруфига топширди.

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарида истилочиларнинг Туркистонни босиб олиши борасида қизиқ бир маълумот келтирилган. Унда рамазон оий (1862 йил, март-апрел) ўтгач, баҳорда Оқмасжиддаги Россия тобелигига ўтган чорвадор аҳолининг чорва моллари учун ерлар тор-лигини айтиб, Туркистонгача бўлган ерларга юриш қилишни тарғиб қилгани келтирилган. Бухоро амири Қўқондан Бухорога қайтар маҳали (1863) амир хўзурига рус ҳукмдоридан бир элчи мактуб билан келган. Мактубда агар амир қарши бўлмаса, Оқмасжиддаги ўз аскарларига бўй-руқ бериб, Туркистондан Тошкент, Жиззах Ўратепа, Хўжанд, Марғилон ва Андижонгача бўлган ерларни ўз тасарруфига киритишини маълум қилган ва агар амирнинг эътирози бўлмаса, элчисини юбориши сўралган. Бундай муо малани кўтмаган амир ўз элчисини рус ҳукумати хўзурига юборган ва шунга кўра Россия давлати Оқмасжиддан Туркистонга, Қизилжар, Шамай ва Олмаотадан Авлиёотага ҳужум бошлаган. Муҳаммад Солиххўжа ҳам бошқа муаллифлар сингари Туркистон мудофаачиларининг тўрт кунлик қамалдан сўнг мағлубиятга учраганлигини қаттиқ изтироб билан баён қилган. Қирқ замбарак билан Чимкентга ҳоким қилиб қол дирилган Мирзо Аҳмад қўшбеги қалъани таъмирлашга киришган. Абу Убайдуллоҳнинг сўзларига қараганда, Алимқул и амирлашкар Мирзо Аҳмад қўшбеги ихтиёрига 10000—15000 навкар ва тўплар қолдирган. Бундан ташқари, у атрофдаги қозоқлардан улов пули сифатида 5000 — 6000 тилла пул йиғиб олган ва минг кишилик мардикор олиб келиниб, хандақ қазишга жалб қалинган, лекин ҳали хандақлар битмай туриб, истилочилар Чимкентга ҳужум бошлаб, қалъани эгаллаган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, М.Г.Черняев бошлиқ аскарлар бир томондан, яна бир гуруҳ Туркистон томондан ҳужумга ўтиб, қалъа деворларини вайрон қилиб, мудофаани ёриб кирган. Муҳаммад Солиххўжанинг сўзларига қараганда, 1280/1864 йил наврўзида Алимқўли

амирлашкар Қўқонда давлат ишлари юзасидан қурултой чақириб, йиғинда Мулло Юнусжон муншийни вақтинчалик Тошкентни идора қилиш учун юборган. У Тошкентга келгач, Чимкентга, яъни рус маъмурлари ёнига Ҳофиз Кўҳақий маҳалласидан бўлган Муҳаммад Сайид исмли савдогарни элчи қилиб юборган. Мазкур элчи рус ҳукуматининг амирга юборган номаси ва амирнинг жавоб элчилиги тўғрисидаги хабар билан Тошкентга келган. Мулло Юнусжон мунший бу ахборотни тезлик билан Қўқонга етказган. Мазкур хабар Алимқўли амирлашкар ва Султон Сайид хоннинг Туркистонга юришига сабаб бўлиб, икки томон Ўртасидаги Иқонда бўлиб ўтган жанг асарда батафсил ёритилган. Жумладан, юришга Қўқон қўшини билан бирга Сағбон дарвозасидан Туркистонга йўл олган Мирзо Аҳмад қўшбеги, Қўш фармончи, Юсуфбой додхоҳ Ўтаббой қўшбеги ўғли, Мусо Муҳаммадбий Бекмуҳаммадбий ўғли бошчилигидаги Тошкент қўшини ҳам жалб қилинган. Қўшин Туркистондан 3 фарсах бўлган Иқон қишлоғида Чимкентга ёрдам учун кетаётган рус аскарларига тунда ҳужум қилган. Бу ясовул Серов бошчилигидаги казаклар отряди бўлиб, улар мудофаада мустаҳкам турган. Муҳаммад Солиххўжа эса иложсиз қолган рус аскарлари Туркистонга қочганини ёзади. Воқеанинг бошқа гувоҳи ҳам русларнинг чекингани ва Иқон қалъасининг бўзилиб, аҳолиси хонлик ҳудудига кўчирилганини таъкидлайди.

Генерал Черняев томонидан Тошкентни эгаллаш учун 1864 йил 27 сен-тябрда амалга оширилган илк уриниш муваффақиятсиз тугади. Шу давр муаррихи Муҳаммад Солих Қори Тошкандийнинг маълумотларига кўра, Эшон Қорабошхўжа бошчилигидаги шаҳар оқсоқоллари Эшонқули додхоҳ мадрасасига тўпланиб, таслим бўлмади ва Тошкентни мудофаа этишга азму қарор қилишди. Тошкентликлар ўз шаҳарлари учун қаҳрамонларча жанг қилдилар. Ўз қўшини билан етиб келган Амири-лашкар Мулла Алимқул Черняев отрядига қақшатғич зарба берди, натижада душман Чимкент томон чекинишга мажбур бўлди. Бироқ душман кучли ва замонавий қурол-яроққа эга эди. Тошкентликларнинг ўз Ватанини қаттиқ туриб ҳимоя қилишига қарамай, 42 кунлик қамалдан сўнг шаҳар мажбуран таслим бўлди. 1865 йил 29 августда Тошкент Россия империяси таркибига қўшиб олингани расман эълон қилинди. [6, 28]

Хулоса қиладиган бўлсак, «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида тарихий жиҳатдан муҳим ва анча батафсил баён қилинган воқеалар — бу истилочиларнинг Тошкентга асосий юриши ва шаҳарнинг босиб олиниши воқеаларидир. Жангларда шахсан ўзи қўлида қурол билан иштирок этган Муҳаммад Солиххўжа мудофаага бошчилик қилган Ҳакимхўжа қозикалон, Солихбек додхоҳ каби шахслар билан яқиндан таниш бўлган ва бу унга ҳарбий ҳаракатларнинг боришидан хабардор бўлиб туришга имкон берган. Бундан ташқари, у бир неча бор давлат аҳамиятига молик кенгашларда, руслар билан тузилган сулҳ маросимида ҳам иштирок этган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Azimjonovich R. I., Obidjonovich E. U. MAHALLA INSTITUTE-THE FOUNDATION OF CIVIL SOCIETY OF UZBEKISTAN.
2. Тожибоев У. У., Рахимов И. А. ДУХОВНЫЕ ОСНОВЫ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА //Актуальная наука. – 2019. – №. 11. – С. 137-140.
3. Рахимов И. А. ВЕЛИКИЙ ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ, КОТОРЫМ ВОСХИЩАЕТСЯ МИР //Современные научные исследования: тенденции и перспективы. – 2020. – С. 93-102.
4. Рахимов И. А. ОСНОВАНИЕ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА МАХАЛЛА //Инновационное развитие современной науки. – 2021. – С. 32-37.
5. Рахимов И. А. ИЗ ИСТОРИИ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ ПРОЦЕДУР ТУРКЕСТАНСКИХ МЕСТНЫХ ИНВЕТОРОВ В КОНЦЕ 19 И НАЧАЛЕ 20 ВЕКОВ //Актуальные вопросы современной науки и практики. – 2020. – С. 111-115.
6. Raximov I. A. ESTABLISHMENT OF THE MINISTRY OF COMMUNITY AND FAMILY SUPPORT IS AN IMPORTANT STEP IN SELF-GOVERNMENT //Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 215-222.
7. Rakhimov I., Abdullayev S. UZBEK NEIGHBOURHOODS: HISTORY AND NOWADAYS //Вестник Ошского государственного университета. – 2019. – №. 3. – С. 34-37.
8. Raximov I. NEIGHBORHOOD DEMOCRATIC MATERIAL //Обмен научными знаниями в условиях глобализации. – 2021. – С. 31-34.



9. Рахимов И. А., Нурматов Л. О. Ў. КЎП МИЛЛАТЛИ, КОНФЕССИЯЛИ МАҲАЛЛАЛАР ДЕМОКРАТИЯНИНГ БОШ МЕЗОНИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 1068-1074.
10. РАХИМОВ И. А. ДЕЙСТВИЯ УЗБЕКИСТАНА В УРЕГУЛИРОВАНИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ В АФГАНИСТАНЕ //НАУЧНОЕ ЗНАНИЕ СОВРЕМЕННОСТИ Учредители: Индивидуальный предприниматель Кузьмин Сергей Владимирович. – №. 11. – С. 5-11.
11. Azimjonovich R. I., Nafisaxon A., Sitoraxon K. MUSTAQILLIK YILLARIDA KO 'P MILLATLI VA KOP KONFESSIYALI MAHALLALAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISHNING O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI //" Yosh Tadqiqotchi" jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 37-42.\
12. Abdumannonovich N. M. et al. AFG'ONISTONDAGI SIYOSIY VAZIYATNI IZGA SOLISHDAGI O'ZBEKISTONNING SAY-XARAKATLARI //Yosh Tadqiqotchi Jurnal. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 69-74.
13. Rakhimov I. A. AFG'ONISTONDAGI SIYOSIY VAZIYATNI IZGA SOLISHDAGI O'ZBEKISTONNING SAY-XARAKATLARI //Современные проблемы и перспективные направления развития науки. – 2021. – С. 9-17.
14. Рахимов И. А. ИНСТИТУТ МАХАЛЛИ КАК ОСНОВА МЕЖЭТНИЧЕСКОЙ ГАРМОНИИ //Science Time. – 2022. – №. 1 (97). – С. 30-33.
15. Дилдора Қ. и др. АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ АСАРЛАРИДА ШАХС МАСАЛАСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ //Yosh Tadqiqotchi Jurnal. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 204-210.
16. Камилов А. АХБОРОТЛАР ЁРДАМИДА ТУРИСТИК ОҚИМНИ ВА ТУРМАҲСУЛОТЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ БОШҚАРИШ //Yosh Tadqiqotchi Jurnal. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 115-119.
17. Мирзаев А. А. ЎЗБЕКИСТОНДА ГИД ТАРЖИМОНЛАР ЭТИКА СТАНДАРТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ //ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПОЛИТОЛОГИЯ, СОЦИОЛОГИЯ, ФИЛОСОФИЯ, ИСТОРИЯ. – 2019. – С. 81-84.
18. Эргашев У. О., Мирзаев А. А. СОДЕРЖАНИЕ ПОВЫШЕНИЯ ПОЗИТИВНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ В ДУХОВНОМ МИРОВОЗЗРЕНИЯ МОЛОДЕЖИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ //Интернаука. – 2019. – №. 45-1. – С. 62-63.



19. Мирзаев А. А. ГЕОГРАФИЧЕСКИЙ ОБЗОР ТУРИСТСКИХ ВЫСТАВОК В УЗБЕКИСТАНЕ //Вестник Науки и Творчества. – 2022. – №. 2 (74). – С. 51-58.
20. Мирзаев А., Махмудова А. ИЧКИ ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛАРИ //Yosh Tadqiqotchi Jurnal. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 255-262.
21. Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон.: Тошкент «Янги аср авлоди» 2009
22. Султанов Ў. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари.- Т.:Ўзбекистан, 2009.
23. Терентеев М.А., лейт-майор. история завоевания Средней Азии, с картами и
24. Azimjonovich R. I. ESTABLISHMENT OF THE MINISTRY OF COMMUNITY AND FAMILY SUPPORT IS AN IMPORTANT STEP IN SELF-GOVERNMENT //Epra International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) Impact Faktor: 7.032. Indiya. 2020 June. P. 161. – 2020. – Т. 163.
- 25.Sultonova M. CHANGES IN THE EDUCATION SYSTEM OF FERGHANA REGION IN THE LATE XIX AND EARLY XX CENTURIES: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1216> //RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES. – 2021. – №. 18.05.
- 26.Махмудова А. Н. IX-XII асрларда мовароуннахрда илм-фан, маданият ривож тарихидан //Yangi O'zbekistonda milliy taraqqiyot va innovasiyalar. – 2022. – С. 272-275.
- 27.Мирзаев А., Махмудова А. ИЧКИ ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛАРИ //Yosh Tadqiqotchi Jurnal. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 255-262. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6569534>
- 28.Махмудова А. N. ALOUDDIN ATOMALIK JUVAYNIYNING “TARIXI JAHONGUSHOY” ASARI XORAZMSHOHLAR DAVLATI TARIXIGA OID MUHIM MANBA //Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 11. – С. 322-329.
- 29.А Махмудова, У Тожибоев - ИСТОРИЯ МУЗЫКИ УЗБЕКИСТАНА Yosh Tadqiqotchi Jurnal,-2022.-Т. 1.-№.5-С. 147-154 <https://doi.org/10.5281/zenodo.6590831>



30. Махмудова А.Н. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА КЎП МИЛЛАТЛИ, КОНФЕССИЯЛИ МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ // Yosh Tadqiqotchi Jurnal. -2022-Т.1-№3-С 233-241

31. Махмудова А. Н. и др. ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРУДИЙ ВА УНИНГ ИСЛОМ ДИНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ //Yosh Tadqiqotchi Jurnal. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 130-136.

32. Nosirovna M. A. The role of suleymanov rustam khamidovich in the study of urban development of ancient period in uzbekistan //Проблемы современной науки и образования. – 2019. – №. 12-2 (145). – С. 85-87.

33. Махмудова А. N. ALOUDDIN ATOMALIK JUVAYNIYNING “TARIXI JAHONGUSHOY” ASARI XORAZMSHOHLAR DAVLATI TARIXIGA OID MUHIM MANBA //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 11. – С. 322-329.

34. Nosirovna M. A. Issues of history world civilization in the scientific research of rh suleymanov //Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2021. – №. 1-2. – С. 20-24.

35. Makhmudova A. N. ISSUES OF HISTORY WORLD CIVILIZATION IN THE SCIENTIFIC RESEARCH OF RH SULEYMANOV //Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2021. – №. 1-2. – С. 20-24.

36. Махмудова А. Историческое значение проводимых исследований ученых археологов на территории Согда //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 10/S. – С. 42-46.

37. Махмудова А. The history of obirahmat cave exploration //Збірник наукових праць ЛОГОС. – 2020. – С. 74-75.

38. Махмудова А. Н. Человек, преданный науке //Молодой ученый. – 2020. – №. 9. – С. 130-132.